

Фосид таъбир



13:20 / 31.12.2021 2352

Аллоҳ таоло айтади: **«Улар, агар Мадинага қайтиб борсак, албатта азиз хорни ундан чиқарур, дерлар. Ҳолбуки, азизлик Аллоҳга, Унинг Расулига ва мўминларига хосдир. Лекин мунофиқлар билмаслар»** (*Мунофиқун сураси, 8-оят*).

Мусулмонлар барча замонларда азиздирлар... Кўплаб ваъз айтувчиларда бир-бирларига тақлидан шундай таъбир кенг тарқалганки, гўё «биз мусулмонлар хорликда яшамоқдамиз».

Бу фосид таъбирдир. Аллоҳ таоло биз учун азизликни иймон билан собит қилди ва биз уни аксини тасдиқ этмаймиз.

Тўғри, биз заифлик босқичида яшамоқдамиз. Душман биздан ғолиб келган ва орамизга суқулиб кирган. Шу сабаб бизни таъқиб қилган ва

мусулмонлар ўртасида алоқаларни ман этиши учун ўрталаримизда сунъий тўсиқлар пайдо қилган. Шунингдек, ишлаб чиқаришда, иқтисодда ва илмий жиҳатда ривожланаётган мусулмон юртларга турли тақиқлар, санкциялар жорий этган.

Дунё халқларининг қўшин ва аскарлари биздан қўрққанидан рўпарамизда туриб олган. Агар биз кучли бўладиган бўлсак аниқки, атрофга адолат ва бағрикенгликни тарқатамиз, урушларни тўхтатамиз, олдини оламиз, кучсиз, заифларни ҳимоя қиламиз ва инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаймиз.

Аллоҳ таолодан ушбу умматни жамлашини, узоқ қилмасдан тез фурсатда қувват ва бирлик ато этишини сўраймиз. Албатта У ҳар нарсага қодирдир. Омин.

Доктор Муҳаммад Содик Дарвеш